

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ТОШТЕМИРОВА САОДАТ АБДУРАШИДОВНА

**КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Тоштемирова Саодат Абдурашидовна

Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим
муассасаларида таълим сифатини ошириш..... 3

Тоштемирова Саодат Абдурашидовна

Повышение качества образования в средних общеобразовательных
учебных заведениях на основе кластерного подхода..... 23

Toshtemirova Saodat Abdurashidovna

Improving the efficiency of education in general secondary
educational institutions on the basis of cluster approach..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 48

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ТОШТЕМИРОВА САОДАТ АБДУРАШИДОВНА

**КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.Phd/Ped1086 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферат уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cspi.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжамкулов Умид Негматович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ярматов Рахим Бахрамович
педагогика фанлари доктори, доцент

Шадиев Ризамат Давронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "24" 08 кунли соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй.). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41 e-mail: chdpi_kengash@umail.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил "12" 08 кунли тарқатилди.
(2021 йил "12" 08 даги 1 рақамли рессётр баённомаси).



Ш.Қ.Мардонов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.У.Қодирова
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.д. (DSc)

У.Н.Ходжамкулов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар бугунги глобаллашув шароитида ижтимоий соҳаларнинг барқарор тараққиётини белгилашда таълим соҳасини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу, албатта, таълим тизимига янги инновацион ёндашувлар, самарали ўзгаришлар ва педагогик технологияларни фаол татбиқ этиш жараёнлари билан боғлиқ равишда кечмоқда. Жаҳон амалиётида таълимнинг барча турлари ва босқичларида самарадорликни ошириш ва такомиллаштиришнинг янги механизми сифатида қаралаётган кластер моделини янада ривожлантириш натижасида таълим парадигмаларининг янги имкониятларини топиш, субъектларнинг манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали уларнинг истиқбол натижаларини кафолатлаш, шахснинг сифатли таълим олишига хизмат қилувчи янгича ёндашув ва методларни ишлаб чиқиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда таълим шакллари замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талаблари асосида диверсификациялаш, ўқитиш моделларини технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, таълим сифати назарияси ва методологиясининг етакчи ғояларини татбиқ этиш узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланган кластерли ёндашув орқали амалга ошириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда “STEAM – таълим” дастури асосида ўқувчиларда илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг индивидуаллаштирилган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш, PISA, TIMSS, PIRLS каби халқаро баҳолаш дастурлари талабларига мувофиқ таълим жараёнида назарий билимларнинг ҳаётийлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Интеграция шароитида ижтимоий буюртмани истеъмолчилар талабига мувофиқ мақсадли шакллантириш орқали педагогик жараён иштирокчиларининг компетенцияларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Республикамызда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига мос равишда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчи шахсининг компетенциявий имкониятларини касбга йўналтириш орқали янада такомиллаштириш, компетентли кадрларнинг инновацион фаолияти асосида “билим фанга: фан ишлаб чиқаришга” тамойилини амалга оширишда интеграцион ёндашув имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурати кучаймоқда. Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “таълим мазмуни ва сифатини ошириш, рақобатбардош, юқори билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли педагоглар тайёрлашда самарадор бўлган педагогик таълим инновацион кластерларини жорий қилиш”¹ механизмлари янада такомиллаштирилмоқда. Бу эса умумтаълим мактабларида кластер ёндашуви асосида таълим турлари ва мазмуни интеграциясини таъминлаш, ўқувчининг қобилияти, иқтидори, креатив компетентлигини шакллантириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 213-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2021 й., 09/21/213/0330-сон.

ҳамда шу асосида касбга йўналтириш самарадорлигини ошириш муаммоси чуқур ўрганилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари, унинг узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик билан боғлиқ янги инновацион модель сифатидаги тавсифи ва амалиётга татбиқ этиш механизмлари Ғ.Мухамедов, Ш.Мардонов, У.Ходжамқулов, Р.Эшчанов, Д.Бекчанов, Ж.Усаров, А.Раҳимов, Ш.Ботирова²ларнинг ишларида муайян даражада ёритилган. Шунингдек, узлуксиз таълимнинг асосий ташкилий-педагогик, дидактик шарт-шароитлари, услубий ёндашувларини назарий ва илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш технологиялари, таълим сифати самарадорлигига эришиш имкониятлари бўйича Р.Аҳлиддинов, У.Бегимқулов, М.Ваҳобов, Л.Голиш, Р.Джўраев, У.Иноятлов, Ж.Йўлдошев, М.Маҳмудов, О.Мусурмонова, М.Юлдашев, Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалилов, таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, фанлараро алоқадорлик масалаларида Б.Абдуллаева, Н.Абдуллаева, Б.Адилов, А.Жуманов, С.Маҳкамов, Ғ.Файзуллаева³, интеграцион

² Мухамедов Ғ.И., Хўжамқулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери // монография -Т.: Университет, 2020. - 280 б.; Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари // педагогика фанлари доктори дисс. – Чирчиқ, 2020. - 270 б.; Sh.Mardonov, U.Khodjamkulov, Sh.Botirova... The need to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization // Journal of critical reviews (JCR). – Малайзия. Vol 7, Issue 12, 2020.; Эшчанов Р., Lamers J., Бобожонова Ғ., Бекчанов Д. Priority challenges of education sector reforms in modernizing Uzbekistan // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 12, 2019. -P. 92-97.

³ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари / пед. фанлари докт. дисс. –Т.: 2006. - 265 б.; Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: пед.фан.док... дисс. – Бухоро, 2002. - 276 б.; Маҳкамов С.Т. Тарих таълимида курслараро узвийликни таъминлашнинг

ёндашув асосида ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш борасида О.Абдурахмонов, Д.Якибова, Р.Мавлонова, Н.Рахмонкулова⁴, дарс машғулотларини интеграциялашнинг умумий хусусиятлари ва лойиҳасига доир машғулотлар структураси ҳамда технологиялари бўйича М.Тошпулатова, Б.Аъзамова каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида таълим кластерларини ривожлантиришнинг назарий асослари, жумладан, касбий таълим кластерини шакллантириш Г.Мухаметзянова, Б.Пугачева, А.Леонтьев⁵, фаолият ва педагогик лойиҳалаш назарияси В.Давыдов, Г.Ибрагимов, Б.Леднев, В.Сластенин⁶; узлуксиз таълим концепцияси Б.Гершунский, В.Горемыко, А.Новиков⁷; касб-хунар мактабларида таълимнинг ижтимоий шериклик ва бошқарув муаммолари П.Анисимов, Е.Корчагин, В.Панасюк, А.Субетто⁸лар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан А.Маршалл, М.Porter, О.Solvell, G.Lindqvist, С.Ketels⁹ кабиларнинг илмий изланишларида илм-фанда таълим кластери бир нечта элементларнинг ўзаро алоқаси ва бир бутун мақсад атрофида бирлашиш билан боғлиқ ҳодиса сифатида тадқиқ этилган.

Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг интегратив мазмуни, модели ва методик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида

дидактик асослари // пед. фанлари номз. дисс. – Т.: 2005. - 180 б.; Файзуллаева Г.Ш. Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш (V-IX синфлар мисолида) // пед.фан. бўйича фалс.док.дисс. автореф... – Самарқанд, 2019. - 46 б.

⁴ Абдурахманов О.К. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. -Т.: Фан ва технология. 2014. - 23 б.; Якибова Д.Ш. Бошланғич таълимда интеграция – интеллектуал тараққиёт омили сифатида // Заонавий таълим. 2016, № 11. –Б. 73-78.; Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. Методик қўлланма. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат университети, 2005.; Мавлонова Р. А., Рахмонкулова Н. Х. “Бошланғич таълимни интеграциялашнинг педагогик технологияси” Ташкент, Илм зиё, 2009.

⁵ Мухаметзянова Г.В., Пугачева Н.Б. Кластерный подход к управлению профессиональным образованием. Казань: 2007. - 144 с.; Леонтьев А.В. Концепция развития регионального рынка образовательных услуг / А.В. Леонтьев, П.Н. Осипов. Казань: ИПП ПО РАО, 2006. - 33 с;

⁶ Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. –М., 2004. - 175 с.; Ибрагимов Г.И. Формы организации обучения в педагогике и школе. -Казань, 1994. - 168 с.; Леднев В.С. Содержание образования: сущность, структура, перспективы. – Москва: “Высшая школа”, 1991. - 223 с.; Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика: Учеб. пособие для студ. пед. учебных заведений / Под ред. В. А. Сластенин. М.: Школа-Пресс, 1997. - 512 с.

⁷ Гершунский Б.С. Философия образования для XXI века - М.: Совершенство, 1998. - 345 с.; Горемыко М.В. Управление качеством общего образования региона на основе кластерного подхода // дис. канд. пед. наук. - Москва, 2010. - 250 с.; Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе / Парадоксы наследия, векторы развития. –М.: — “Эгвес”, 2000.

⁸ Анисимов П.Ф. Регионализация среднего профессионального образования (вопросы теории и практики) / П.Ф. Анисимов - М: Высшая школа, 2002. - 224 с.

⁹ Маршалл А. Принципы политической экономии: монография / А. Маршалл. – Москва: Директ-Медиа, 2012. - 212 с.; Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, - 454 p.; Solvell O., Lindqvist G., Ketels C. The Cluster Initiative Green book, 2003. <http://www.cluster-research.org>.

ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш имкониятларини аниқлаш, баҳолаш ҳамда механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг педагогик компонентларини аниқлаштириш;

фан, таълим ва ишлаб чиқаришда интеграцион сифатни таъминлашнинг илмий-педагогик муаммо сифатидаги назарий асосларини такомиллаштириш;

педагогик таълим кластерининг ҳудудий инновацион-интеграцион тузилмасини ишлаб чиқиш;

таълим кластерининг фаолият механизмларини такомиллаштириш;

кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг илмий-назарий ва методик таъминотини такомиллаштириш;

ижтимоий буюртмани белгилаш орқали таълим кластерининг узвийлик ва узлуксизликка асосланган педагогик механизмининг такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кластер ёндашуви асосида умумтаълим мактабларида таълим сифатини оширишнинг назарий-методологик, педагогик-технологик асосларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 458 нафар VIII-IX синф ўқувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини кластер ёндашуви асосида таълим сифатини оширишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий таққослаш, умумлаштириш, шарҳлаш), диагностик (суҳбат, анкета, кузатиш, таснифлаш), математик ва педагогик эксперимент (маълумотларни математик-статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш, моделлаштириш ва бошқалар) каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг педагогик компонентлари (таълим сифатини баҳолаш мезонлари ва аниқлаш индикаторлари, ўқувчи компетентлик даражаси, ўқитувчининг инновацион фаолияти) ҳамда сифатга таъсир қилувчи омиллар (таълимни бошқариш, сифат менежменти, таълим мазмуни, объект ва субъект муносабати, технологик, ижтимоий, иқтисодий) давлат таълим стандартлари ва буюртмачилар талабларини интеграциялаш асосида аниқлаштирилган;

таълим турларининг ўзаро боғлиқ таркибий бўлимлари (горизонтал, вертикал) ва ўзига хос интеграл белгилари (ижро, назорат, натижа)дан иборат таълим сифатини оширишга мўлжалланган инновацион кластер тузилмаси моделлаштириш тамойиллари (нормативлик, изчиллик, универсаллик) асосида ишлаб чиқилган;

кластер ёндашуви асосида умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш механизмлари интеграцион муҳит тамойиллари (тизимлилик, барқарорлик, синергетик, мослашувчанлик)га асосланган мобил ҳаракатли тезкор алоқа, ҳудудий яхлитлик ҳамда “мактаб-лаборатория” майдончаларининг имкониятлари (методик, дидактик, технологик, мотивацион)га устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

узлуксиз таълим тизимида сифатли кадрга бўлган эҳтиёжни таълим кластери шароитида тизимлараро манфаатдорлик тамойиллари (мақсад умумийлиги, манфаатлар хусусийлиги)га кўра таъминлашнинг узвийлик ва узлуксизликка асосланган педагогик механизмлари назарий ва амалий фаолият уйғунлиги асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини кластер ёндашуви асосида такомиллаштириш ҳамда таълим тизими фаолиятида тегишли даражадаги зарур педагогик компонентларни таъминлаш масалалари “Умумтаълим муассасаларида таълим кластерини жорий қилишнинг назарий асослари ва амалий жиҳатлари” номли услубий қўлланмада ёритилган;

умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш тузилмасини “мактаб-лаборатория” шароитида такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларда таълим кластерининг назарий асослари ҳамда таълим сифатини ошириш ҳудудий модели асосидаги касбий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган “Мутахассислик фанларини касбга йўналтириш методикаси” намунавий фан дастури ва унинг услубий дидактик таъминоти (монография, методик қўлланма, тавсиялар) яратилган;

тизимлараро манфаатдорлик асосида белгиланган ижтимоий буюртмани таълим кластери шароитида таълим олувчининг иқтидорига кўра таъминлашнинг электрон дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланилганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифати самарадорлигини таъминловчи омилларнинг илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинганлиги, таълим кластери тузилмаси педагогик-технологик компонентларининг аниқлаштирилганлиги, субъект-субъект характерига эга бўлган ҳамкорликнинг ташкилий вазифалари ҳамда таълим сифатини оширишнинг интеграцион тамойиллари янги таркиб билан муаммо бўйича бойитилган дастурлар, лойиҳалар, электрон материаллар тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кластер ёндашуви асосидаги таълим сифатини ошириш бўйича ўқув жараёнлари такомиллаштирилганлиги, муаммо бўйича самарали метод ва воситаларнинг ишлаб чиқилганлиги, дастур ва лойиҳалар, методик қўлланмалар ҳамда ўқув методик кўрсатмаларнинг яратилганлиги, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий-услубий таклиф ва тавсиялардан ўқувчи иқтидорини аниқлаш, ривожлантириш ва шунга кўра тўғри касбга йўналтириш методик материалларини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалар асосида:

таълим сифатини оширишнинг педагогик компонентларини аниқлаштириш, таълим сифатини таъминлаш тамойил ва мезонларини такомиллаштириш, жаҳон талабларига жавоб берувчи рақобатбардош кадрларни тайёрлашда таълим турлари ва мазмуни интеграциясини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий методик таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2017927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги № 89-03-2833-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув жараёнлари сифати самарадорлигини оширишга эришилган;

таълим сифатини оширишга йўналтирилган технологиялар, ўқувчилар иқтидорини ривожлантиришнинг педагогик тизими ва қобилият даражасини аниқлаш ҳамда ривожлантириш механизмлари, ҳамкорлик тамойиллари асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ИТД-1-148 “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш технологияси” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги № 89-03-4397-сон маълумотномаси). Натижада, таълим муассасалари ҳамкорлигини ташкил қилиш механизмлари ҳамда ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги такомиллаштирилган;

узлуксиз таълим тизимида сифатли кадрга бўлган ижтимоий буюртмани ўқувчининг иқтидорига кўра тўғри касбга йўналтириш вазифалари ва механизмларига оид таклифлар асосида ишлаб чиқилган “Ўқувчиларни иқтидорини аниқлаш бўйича тест” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигинининг 2020 йил 25 ноябрдаги № DGU 09508-сон гувоҳномаси) электрон дастуридан таълим кластери шароитида ўқувчилар иқтидорини аниқлаш ва уни ривожлантириш ҳамда таълим сифатини оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги №89-03-4397-сон маълумотномаси). Натижада, кластер ёндашуви асосида умумтаълим мактаблари иқтидорли ўқувчилар компетентлик даражасининг ошишига эришилган;

таълимни модернизациялашда янгича ёндашувларни татбиқ қилишнинг зарурати, интеграцион жараёнларни кучайтиришда кластер моделининг аҳамияти, умумтаълим муассасаларида таълим сифатига таъсир этувчи омиллар, таълим кластери шароитида умумий ўрта таълим самарадорлигини ошириш бўйича илмий-методик тавсиялардан ЎзМТРК “Маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар муҳарриятининг “Таълим ва тараққиёт” эшиттиришини (“Ўзбекистон” телерадиоканали ДУКнинг 2019 йил 19 июндаги О’з IR-1-118-сон маълумотномаси) ҳамда Ўзбекистон тарихи телеканалининг “Тақдимот” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (“Ўзбекистон” телерадиоканали ДУКнинг 2021 йил 15 июндаги 02-40-1007-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудий таълим кластери моделини амалга ошириш механизмлари ва ҳамкорлик тамойиллари борасидаги назарий хулосалар таълим муассасаларининг илмий ва методик таъминотини кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 34 номдаги илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда жами 12 та илмий мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 160 саҳифа матнни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида муаммонинг долзарблиги ва зурурияти асосланган, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг баёни ва уни амалиётга жорий қилиш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим муассасалари таълим сифати самарадорлигини оширишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида кўриб чиқиладиган муаммонинг асосий жиҳатлари, хусусан, таълим сифатига олимлар томонидан берилган шарҳлар, таълим сифатининг педагогик компонентлари ҳамда уни таъминлашнинг самарали омил ва инновацион

ёндашувлари очиб берилган. “Сифат”, “таълим сифати”, “самарадорлик”, “таълим сифатини бошқариш” каби тушунчалари бўйича турлича қарашлар кўриб чиқилган, айниқса таълим сифатининг фалсафий-педагогик асослари уни ривожланишнинг тадрижий босқичлари билан келтириб ўтилганлиги бу тушунчага нисбатан даврий муносабатни ҳам белгилаб берган. Олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда “таълим сифати” тушунчасига қуйидагича муаллифлик ёндашуви асосида таъриф берилган: таълим сифати таълим самарадорлигини оширишда иштирокчилар касбий ва шахсий компетентлигининг узвийликда, узлуксизликда шаклланиши, изчилликда ривожланиши асосидаги якуний натижаларнинг халқаро ва миллий баҳолаш дастурларига мувофиқлигини тавсифлайдиган ижтимоий тушунча. Таълим муассасасининг таълимий ва тарбиявий фаолиятини истёмолчи талабларига мувофиқ кенг қамровли мезон ва кўрсаткичлар орқали баҳолаш, бу кўрсаткичларни таълим берувчилар ва таълим олувчилар компетенцияларини таъминлайдиган мазмун, шакл, усуллар билан замонавийлаштириш, ҳамкорликдаги тамойиллар асосида услубий, моддий-техник таъминотни такомиллаштириш таълим сифатини таъминлашнинг энг муҳим шарти саналади, деган хулосага келинган.

Таълим сифатини бошқариш бўйича бир қатор (Л.Голиш, Н.Горшунова, А.Новиков, В.Болотов, М.Горемико, О.Газман, Ю.Бабанский, М.Поташкин) тадқиқотлар таҳлили натижасида, таълим сифати менежментига назарий асос келтирилган. Таълим сифати менежменти – таълимнинг олдиндан башоратланган натижаларига эришишга йўналтирилган бошқарув бўлиб, сифатни таъминлаш тадбирларини лойиҳалаштириш, таълим жараёни иштирокчиларини самарали меҳнатга қизиқтириш, мақсадлардан четга чиқишларни аниқлаш, ўзгаришларни кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнларидан иборат бўлган, таълим муассасаси фаолиятининг барча йўналишларини ўз-ўзини баҳолаш асосида доимий такомиллаштириб бориш тизими саналади.

Таълим сифатига таъсир қилувчи омиллар таълимни бошқариш, сифатни бошқариш, объект ва субъект муносабати, технологик, ижтимоий ва иқтисодий омилларга туркумланган ҳолда асосланилган. Умумтаълим муассасаларида таълимга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишда сифат назоратининг бир қатор халқаро усуллар ҳам ўрганилиб, умумтаълим муассасаларида таълим сифатига таъсир этувчи омиллар халқаро Ишикава усулида келтириб ўтилган.

Таълим сифатини оширишда Т.Ломакин (таълим тизими ва таълим мазмунини интеграцияси), А.Игнатов, В.Максимова, Н.Белянкова ва С.Полянкина, Б.Абдуллаева, С.Маҳкамов (фанлараро, мавзулараро алоқаларни курс ва бўлимлар орқали интеграциялаш) каби олимларнинг назарий ғоялари ҳамда шу йўналишдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тадқиқот ишининг методологик асосини ташкил қилган.

Таълимни модернизациялашда кластер ёндашуви асосида таълим сифатини аниқлаш, баҳолаш ва таъминлаш мезонлари аниқлаштирилган. Юқорида келтирилган таълим сифати педагогик компонентлари таълим турлари бўғинларининг фанлараро, курслараро узлуксизлиги, узвийлиги,


таълим муассасаларида индивидуаллаштирилган, дифференциаллашган ўқув дастурларининг ишлаб чиқилганлиги, таълимни баҳолашнинг миллий ва халқаро дастурларга мувофиқлиги, таълим-тарбиянинг муаммоли ва шахсга йўналтирилган технологиялар воситасида олиб борилиши, ўқув дастурларининг таълим истеъмолчилари талабларига мувофиқлиги, таълим турлари хизматларида интеграллашган дастурлар асосида ихтисослашган, табақалаштирилган курсларнинг ташкил этилиши, таълим берувчиларнинг таълим самарадорлигини ошириш бўйича компетентлилик даражалари, мактаб таълими мониторингининг натижавийлик даражаси, ютуқ ва ҳаракатлар, ўқув ресурслари ва тузилмалари каби кластер ёндашуви мезонлари асосида такомиллаштирилган. Кластер ёндашуви асосида таълим сифатининг мезонларини такомиллаштиришда истеъмолчилар нуқтаи назарининг ҳам эътиборга олинishi бу йўналишга нисбатан ҳолис баҳони таъминлашга хизмат қилиши асослаб ўтилган. Умумтаълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида таълим турлари ва таълим жараёни иштирокчиларининг самарали ҳамкорлик қилиш механизми, субъект-субъект муносабатидаги янги ҳамкорлик тамойилларининг такомиллаштирилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқотда айтилиши шундай муаммолар ҳисобга олинган ҳолда, таълим сифати ташкилий-педагогик компонентлари такомиллаштирилган.

Халқаро инновацион тажрибалар таҳлили натижасида таълим самарадорлигини оширишда кластер ёндашуви тавсия қилиниб, бунда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлаш, инновацион фаолиятни жадаллаштириш, таълим объектлари ва жараёнларининг ўзаро ҳамкорликдаги зиддиятларини бартараф этиш муҳим шартлардан бири эканлиги асослаб ўтилган. Таълим кластери таълим турлари ва жараёни иштирокчиларининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмининг ташкил қилиш таълим сифатини ошириш ҳамда таълим жараёни иштирокчилари компетенцияларини муваффақиятли ривожлантириш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим кластерини жорий қилишнинг педагогик-методик жиҳатлари”** деб номланган. Мазкур боб таълимда интеграция шароитида кластер тузилмасини жорий қилиш, шундай йўналишдаги тадқиқотларни таҳлил қилиш, кластер ёндашуви асосида таълим самарадорлигини ошириш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг психологик-педагогик ва технологик жиҳатларини ёритиш, таълим олувчиларда ижодий ва креатив кўникмаларни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, ўқитиш жараёнида фанлараро, мавзулараро интеграциянинг замонавий усул, шакл ва воситаларидан фойдаланиш муаммосининг назарий жиҳатларига асосланган.

Ушбу бобда интеграция шароитида таълим самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари келтирилган. Таълим тизими модернизациясида интеграциялаш инновацион парадигма ҳисобланиб, таълим турларининг ўзаро ажралмас ҳамкорлик муносабатлари доирасида ижодий, рақобатбардош шахсни шакллантириш мумкинлиги асослаб ўтилган. Таълимда интеграциялашув жараёнларини тадқиқ қилиш натижасида бир-

бирини қўллаб-қувватлаш билан бирга фарқли жиҳатлар ҳам мавжудлиги аниқланган. Интеграция тенденциясида таълим самарадорлигини ошириш замонавий таълим тизимларини ривожлантиришнинг тамойили ва омили ҳисобланади. Интеграция таъминланиши учун ишлаб чиқариш таълим ва фанга, таълим эса, ўз навбатида, фанга истеъмолчи муносабатида бўлиши илмий мантиққа мос келади. Жамият контекстида бевосита таълимнинг фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт билан ўзаро мақсадли интеграцияси нафақат таълим самарадорлигини оширувчи, балки давлатнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишини ҳаракатлантирувчи омил ҳамдир ва бу мамлакат тараққиёти йўлидаги энг самарали ҳамкорлик ҳисобланади (1-расмга қаранг).



1-расм. Жамият контекстида таълим интеграцияси


Муассаса сифатини истеъмолчилар (олий ўқув юрти, касб-хунар таълими) нуқтаи назаридан юқори кўрсаткичга эга ўқувчи белгилаб беришини инобатга олиб, унинг сифатли билим олишини таъминлаш, ўқув жараёнини интеграциялашган ва дифференциаллашган усулларда олиб бориш орқали амалга ошириш самарали усул сифатида тавсия қилинган. Таълимдаги интеграция самарадорликни оширувчи омил бўлиб, интеграцион жараёнлар амалий аҳамиятга эга. Умумтаълим муассасалари сифатини таъминлашга услубий, илмий, моддий ва молиявий, технологик, ахборотни ҳамда сифатли таълим олувчини таъминлашга барча ресурсларни жалб қилиш зарурати айнан шу тенденция асосида амалга оширилади. Таълим контекстида эса, таълим турлари ўртасидаги интеграция олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи-амалиётчилари, талабаларини умумтаълим мактабларига бириктирилган ҳолда, фанларни ўқитиш сифатини оширишга қаратилган инновацион моделларни такомиллаш-тиришда намоён бўлади. Тадқиқот давомида таълим турлари ва мазмуни интеграциясини кластер ёндашуви асосида ташкил этиш истиқболли натижалар бериши прогноз

қилинди. Натижада интеграция жараёнида таълим самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари илмий-амалий асосланилган. Кластер тушунчаси таҳлил этилиб, келтирилган тавсифлардан келиб чиққан ҳолда илмий фаразлар тақдим қилинган.

Таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатидаги кластер тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишнинг педагогик шарт-шароитлари, узлуксиз таълим тизимидаги кластер ёндашувини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асослари тадқиқ қилинган. Бунинг натижасида “таълим кластери” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: таълим кластери таълим турларининг горизонтал ва вертикал ҳолатдаги ўзаро боғлиқ таркибий бўлимлардан, ўзига хос интеграл белгилардан иборат, жамият эҳтиёжидаги ижтимоий буюртмани мақсад умумийлиги ва манфаат хусусийлиги тамойили асосида таъминловчи, илмий-технологик инфраструктура ҳамда инсон ресурслари интеграциялашувини, тезкор мулоқот тизимини тақдим қилувчи, турли даражаларда (давлат, минтақа, ҳудуд, муассаса) рақобат муҳитини шакллантирувчи, инновацион лойиҳаларни самарали оммалаштирувчи тузилма ҳисобланади.

Умумтаълим муассасаларида таълим жараёни иштирокчиларининг компетенцияларини ривожлантириш кластер ёндашуви асосида бир минтақавий ҳудудда ташкил қилинган таълим кампусларида самарали тус олади. Унинг фаолияти субъектларнинг ўзаро биргаликда лойиҳалаштирилган, ҳуқуқий асослар билан таъминланган дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ қилиш билан амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан кластер негизида юқори вакиллик органлари (олий ва ўрта махсус, халқ таълими, мактабгача таълим вазирликлари, бошқармалар), ижтимоий институтлар ва турли даражадаги (туман, шаҳар, вилоят) муассасалардан ташкил топган субъектлар муносабатида узлуксиз таълим турларининг ўзаро ҳамкорлик асосидаги кластер тузилмасини ташкил қилиш, истеъмолчилар талабларига жавоб берадиган ижтимоий буюртма етказиб берувчиларнинг алоҳида ва интеграцион фаолият механизмлари ва бундан кутиладиган натижалар келтириб ўтилган.

Истеъмолчи талабларига жавоб берадиган мутахассис фақатгина олий ўқув юртида муайян бир йўналишдаги компетенцияларни эгаллаш билан таъминланмайди, бу бўлажак мутахассисни тайёрлашнинг дастлабки бўғинларида индивидуаллашган, ихтисослаштирилган таълимда ўз аксини топиши лозим. Олий ва умумий ўрта таълим муассасалари ўртасидаги кластер тузилмасини ташкил қилиш бу мақсадни амалга оширишда самарали тенденция ҳисобланади. Тадқиқотда таълим кластери фаолиятини йўлга қўйиш технологияси асосида умумий ўрта таълим мактабларида кластер тузилмаси ишлаб чиқилган (2-расмга қаранг). Таълимда кластерни ташкил этиш уч босқичда амалга оширилиши ва ҳар бир босқичдаги технологик жараёнлар мазмунан изоҳланган.



2-расм. Умумтаълим муассасалари таълим кластери тузилмаси

Таълим кластери тизимлараро бутунликнинг ўзига хос тамойиллари (табиий алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизлик, изчиллик, ворисийлик, замонавийлик, йўналтирилганлик, мақсад умумийлиги, манфаатлар хусусийлиги, ўзаро назорат)га асосланган кўп даражали мураккаб тизим

сифатида барқарорлик, синергетик, мослашувчанлик ва ўзгарувчанлик каби асосларга мувофиқ ишлайди.

Таълимга нисбатан татбиқ қилинаётган кластер ёндашувига муаллифлик асосида илмий хулоса тақдим қилинган: кластер ёндашуви алоҳида бир соҳада самарали ҳамкорликка йўналтирилган тузилма тузиш, унинг ривожланиш учун қўшимча имкониятлар берадиган янги хизмат бўлиб, ундаги узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик соҳа фаолияти самарадорлигини интенсив оширишга катта таъсир кўрсатади; таълим соҳасидаги кластер ёндашуви белгиланган ижтимоий буюртмани таъминлашнинг қулай тузилмасини тизимга татбиқ этишни назарда тутди.

Таълим кластер тузилмасини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион ёндашув сифатида умумтаълим муассасалари таълим самарадорлигини оширишнинг бир қатор (ахборот-технологик, илмий-услубий, молиявий, хусусий, ижтимоий) шартлари аниқланди. Тадқиқотда келтирилган “мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари олий ва умумий ўрта таълим ҳамкорлиги жамият иқтисодий-ижтимоий йўналишида таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган инновацион-интеграцион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш вазифасини бажарадиган таълим кампусидаги таянч мажмуа сифатида йўлга қўйилган. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган монография, услубий қўлланма, дастур ва лойиҳаларни “мактаб-лаборатория” майдончасида амалиётга татбиқ этиш бўйича фаолият механизмлари босқичма-босқич ташкил этилди.

Таълим кластерининг методик ва ташкилий асосларини такомиллаштириш орқали истеъмолчининг асосий талаби таълим олувчиларнинг ўқув дастурларидаги назарий билимлар билан бирга амалий фаолиятга, таълимнинг кейинги босқичларига тезкор тайёрлиги таълим муассасасида олинган билимларни муайян вазиятларда қўллай олиш қобилиятида намоён бўлиши изоҳланган. Таълим босқичлари кесимида ўқув муҳити мақсадига мотивацион йўналган таълим олувчини ижтимоий буюртма талабларига асосланган ҳолда касбга йўналтириш ёшларга ҳаёт йўлини ва жамият эҳтиёжларига мувофиқ мутахассисликни танлашида муваффақиятли ёрдам бериш мумкинлиги асослаб ўтилган ҳамда бу бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Таълим олувчиларнинг касб танлашдаги руҳий тўсиқларини бартараф этиш ва касблар нуфузини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилган.

Таълим кластери ижтимоий буюртмасини белгилаш, уни педагогик ва технологик узвий алоқадорлик асосида таъминлашнинг механизмларини такомиллаштириш вазифаларини “мактаб-лаборатория”ларда олиб бориш мақсадга мувофиқ. Таълим турлари интеграцияси асосида ташкил қилинган кластер тузилмасининг асосий аҳамияти унда ижтимоий буюртманинг мақсадли белгиланганлигидир. Ҳар бир ижтимоий буюртма истеъмолчиси зарур бўлган вақтдан бошлаб ўз буюртмасига таъсир ўтказа бошлаши, унинг таълим олишдаги фаолияти давомида маъқул бўладиган, ихтисослашган вариатив ўқув режа ва дастурлар, таълим хизматларини жорий этиб бориши ва ўз навбатида, уларни рағбатлантириб бориши ижтимоий буюртманинг

истеъмолчи талабига мувофиқ тайёрланишини таъминлайди. Демак, ижтимоий буюртма таълим кластерини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг асосий векторидир. Таълим кластерида ижтимоий буюртма ижтимоий онгининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳаётнинг турли соҳаларида инсонлар ўртасидаги коммуникатив муносабатларни такомиллаштириш асосидаги давлат талабларини бажаришга қаратилган. Кластер ижтимоий буюртмаси субъектлар умумий мақсадлари ва хусусий манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади. Уни таъминлаш ҳамкорлик тамойиллари асосида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳамда амалий тажрибалар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Таълим кластери ижтимоий буюртмасини белгилаш тартиби муаллифлик модели асосида таснифлаб ўтилган. Бунда ижтимоий буюртма занжири узвийлик, узлуксизлик, изчиллик тамойиллари асосида мувофиқлашганлиги, бу занжирнинг тизимли ишлаши натижасида жамиятнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланиши таъминланиши асослаб ўтилган. Ижтимоий буюртма модели ва тадқиқот давомида олиб борилган сўровлар натижасида кластер ижтимоий буюртмаси сифатида таълимнинг турли босқичлари кесимида ўқув муҳити мақсадига мотивацион йўналган истеъмолчи – таълим олувчини таъминлаш белгиланган. Мазкур таълим олувчини эса, ўқувчининг иқтидор хусусиятларига кўра тўғри касбга йўналтириш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилган. Айнан шу мақсадга эришиш учун “мактаб-лаборатория”ларда ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурлар мазмун-моҳияти ёритиб берилган. “Иқтидор” лойиҳа йўналиши фаолиятида ўқувчилар иқтидорини ривожлантиришда қайси йўналишларнинг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим эканлигини инобатга олиб педагогик ва технологик ёндашувларга асосланган “Иқтидор” билан ишлаш механизмлари ишлаб чиқилган.

